

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 826-ҳадис

826 - عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا اسْتَجَدَ شُوْبَا مَمَاهْ بِاسْمِهِ - عِمَامَةً، أَوْ قَمِيصًا، أَوْ رِداءً - يَقُولُ: «اللَّهُمَّ؛ لَكَ الحَمْدُ أَنْتَ كَسُوتَنِيهِ، أَسْأَلُكَ حَيْرَةً وَحَيْرَ مَا صُنِعَ لَهُ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ، وَالْتَّرمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [د 4020، ت 1767]

826. Абу Саид Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги кийим кийсалар, саллами ёки қўйлакми ёки ридоми, номини айтиб, **«Аллоҳумма, лакал ҳамд. Анта касавтанийхи, ас'алука хойраху ва хойра маа суниъа лаҳу, ва аъузу бика мин шарриҳи ва шарри маа суниъа лаҳ»**, дер эдилар».

* Маъноси: «Аллоҳим, Сенга ҳамдлар бўлсин. Буни менга Сен кийдирдинг. Сендан унинг яхшилигини ва ундаги яхшиликни сўрайман, унинг ёмонлигидан ва ундаги ёмонликдан паноҳ тилайман».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишиди. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Мусулмон инсон ўз ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси Аллоҳ таолога доимий равишда боғлиқ эканини чуқур ҳис қилувчи ва ўша ҳис асосида ҳаёт кечиравчи бандадир.

Қолаверса, у ўзига етган ҳар бир нарса, каттаю кичик ҳар бир неъмат Аллоҳдан эканини бир лаҳза ҳам унутмайдиган бандадир.

Мусулмон инсон ўзига каттаю кичик ҳар бир неъмат етган пайтда неъмат берувчи Зотга шукр айтишга шошилади ва шу билан бирга, у Аллоҳ таолонинг «Агар шукр қилсангиз, яна зиёда қилурман», деган ваъдасига тўла ишонган бандадир.

Ушбу маънолар динимизнинг кийиниш маданияти бўйича берган

кўрсатмаларида ҳам ўз аксини топган. Ана ўша маданиятни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтиб, ўzlари амал қилиб, кўрсатиб берганлар.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам янги кийим кийсалар, саллами ёки кўйлакми ёки ридоми, номини айтиб,

«Аллоҳим, Сенга ҳамдлар бўлсин. Буни менга Сен кийдирдинг. Сендан унинг яхшилигини ва ундаги яхшиликни сўрайман, унинг ёмонлигидан ва ундаги ёмонликдан паноҳ тилайман», дер эдилар».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу дуоларида янги кийим кийган одам келтириши лозим бўлган энг олиймақом шукр ва янги кийим кийган одам тилаши мумкин бўлган энг олиймақом тилаклар ўз аксини топгандир.

«Аллоҳим, Сенга ҳамдлар бўлсин. Буни менга Сен кийдирдинг».

Ҳа, ҳар бир кийимни ҳақиқий кийдирувчи Аллоҳ таолонинг Ўзидир. У зотдан бошқа ким ҳам буни қила олар эди? Шунинг учун, ҳар бир янги кийим кийган банда У Зотга ҳамду сано айтиб, шукр қилмоғи лозим. Айнан Аллоҳ таоло унга ўша кийимни кийгазганини тан олмоғи лозим.

«Сендан унинг яхшилигини ва ундаги яхшиликни сўрайман».

Албатта, кийимни кийиш билан иш охирига етиб қолмайди. Кийимни кийгандан кейин ҳаёт давом этади. Ана ўша кийим ила турли ҳолатлар бошдан ўтказилади. Шунинг учун, янги кийим кийган киши ўша кийимнинг яхшиликларга насиб қилишини Аллоҳ таолодан сўраши лозим токи, кийимнинг ўзи ҳам яхши бўлсин, ўша кийимни кийгандан кейинги ишлар ҳам яхши бўлсин.

«Сендан Унинг ёмонлигидан ва ундаги ёмонликдан паноҳ тилайман».

Аксинча, кийилган янги кийим шумлик аломати ва сабабчиси бўлиши ҳам мумкин. Уни кийган одамнинг бошига балолар ёғилиши ҳам мумкин. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг Ўзидан бундоқ кўнгилсизликлардан паноҳ сўралади.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари агар улардан бири янги кийим кийса, унга:

«Эскитгин. Аллоҳ таоло ўрнига бошқасини берсин», дейишарди».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларининг бу ишлари ҳам исломий кийиниш маданиятининг ажралмас бир қисмидир. Халқимиз ичига янги кийим кийган кишига, муборак бўлсин, қутлуғ бўлсин, илоҳо,

бунга ўхшаган кийимларни яна қўп кийишни насиб қилсин, дейиш одати ҳам мана шу маънолардан келиб чиққан.

Янги бир неъматга эришган кишига ҳасад қилиш ўрнига уни муборакбод этиш, унга яхши тилаклар билдириш, ўша берилган неъматларга ўхшаш неъматлар яна ҳам кўпроқ бўлишини тилаш Ислом маданиятига хос нарсадир.

Ҳар биримиз ушбу ҳадиси шарифга амал қилишга ўтишимиз лозим. Қачон янги кийим кийсак, Аллоҳга ҳамд айтишимиз, янги кийим кийганларимизни муборакбод этишимиз лозим.

Манба: hadis.islom.uz

